

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАВРУЛОВА НИЛУФАР АБДУХАЛИЛОВНА

**СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚАЙТА
СУҒУРТАНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Маврулова Нилуфар Абдухалиловна

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда
қайта суғуртанинг ролини ошириш 3

Маврулова Нилуфар Абдухалиловна

Повышение роли перестрахования в обеспечении финансовой
устойчивости страховых компаний. 29

Mavrulova Nilufar Abdukhaliilovna

Improving the role of reinsurance in securing financial stability of
insurance companies 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАВРУЛОВА НИЛУФАР АБДУХАЛИЛОВНА

**СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚАЙТА
СУҒУРТАНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Iqt488 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Умаров Сунатулла Абдуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__»_____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__»_____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__»_____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг роли ортиб бормоқда. Қайта суғурта бозорида тўғридан-тўғри суғурта бозорига қараганда суғурта, банк ва фонд капиталларининг бирлашиш ва глобаллашиш жараёнлари яққолроқ намоён бўлади. Мазкур жараён қайта суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини ошириш заруратидан келиб чиқиб, бир неча миллиард долларга баҳоланадиган табиий офат ва зарарларни қайта суғурталаш учун муҳим бўлган молиявий ресурсларни шакллантиришни назарда тутди. Жаҳон қайта суғурта бозори рискларнинг глобал қайта тақсимланишига асосланади ва йирик ҳалокатлар, қаерда рўй беришидан қатъий назар, бутун дунёда қайта суғурта нархларининг тўсатдан ўзгаришига олиб келади. Мисол учун, «АҚШда сўнгги йилларда Европага қараганда табиий ва техноген ҳалокатлар жуда кўп содир бўлди. Шу сабабли Америка ҳудудидаги объектларнинг салмоқли қисми Европа қайта суғурта бозорида қайта суғурталанди ва тўғридан-тўғри суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини таъминлади»¹. Шундай қилиб, қайта суғурта бизнеси рискларни вақт ва ҳудуд бўйича қайта тақсимлашни назарда тутди ҳамда тўғридан-тўғри суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти сақланиши ва молиявий барқарорлиги таъминланишига замин яратади.

Қайта суғурта орқали суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ошиши ва молиявий барқарорлиги таъминланишига таъсири бўйича халқаро амалиётда кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар қайта суғуртанинг суғурталовчилар зиммасидаги мажбуриятларни минималлаштириш орқали ўз молиявий ҳолатини яхшилашини назарда тутди. «Ушбу фаолият суғурта ташкилотининг фаолиятига катта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган катта ҳажмдаги зарарлар вужудга келишининг олдини олади ва шу сабабли қайта суғурта суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминловчи самарали инструмент ҳисобланади»². Суғурталовчиларнинг йирик ҳажмдаги рискларни ўз зиммасида қолдириши хатарли ҳисобланиб, катта миқдордаги тўловлар суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигига путур етказишга ва ҳатто банкротликка олиб келишга қодир. Шунга қарамай, бугунги кунда мамлакат суғурта бозорида қайта суғуртадан фойдаланиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмайди, асосий эътибор суғурта портфелини мувозанатлаштиришга эмас, балки тушум ҳажминини оширишга қаратилмоқда. Демак, мамлакат суғурта амалиётида суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғурта механизмининг фаол ва оқилона қўллашга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан, суғурталовчилар молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғуртадан фойдаланиш самарасини ошириш ҳамда мамлакат суғурта бозорида фаол қўллашни ташкил этиш долзарб аҳамият касб этади. Мамлакатда фаолият юритаётган суғурта компанияларининг тўловга

¹ Исполнительный Комитет СНГ. Роль перестраховочной деятельности в сфере страхования. Москва, 2017 г.

² Lyubov Ivanovna Shevchenko, Svetlana Anatolyevna Ivanova, Ludmila Yurievna Grudtsina, The Legal Nature of the Reinsurance Contract, International Journal of Civil Engineering and Technology 10 (2), 2019, p. 1603.

лаёқатлилиги ва молиявий барқарорлиги ҳолати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобиляти тўғрисида»ги Низом талаблари асосида назорат қилувчи орган, яъни Молия вазирлиги томонидан қатъий назорат қилинади. Компанияларнинг тўлов қобилятини таъминлаш мақсадида ўз молиявий имкониятларидан ортиқ мажбуриятларни қайта суғурта механизми орқали иккиламчи жойлаштириши белгиланган. Ўзбекистон суғурта бозорида қайта суғуртадан фойдаланиш аксарият компанияларда фақат Низом талабларига риоя этиш учун қўлланилади. Ҳолбуки суғурта портфелини мувозанатлаштириш мақсадида уни оқилона қўллаш суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини оширади ва улкан суғурта салоҳиятини юзага келтиради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сонли қарори, 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармонлари ва ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қайта суғурта масалалари мамлакатимиздаги, шунингдек қатор халқаро ва даврий нашрларда кўриб чиқилган. Етакчи хорижий ва МДҲ мамлакатлари олимларидан К.Пфайффер, Д.Бланд, Г.В.Чернова, А.Артамонов, Ю.Т.Ахвледиани, А.А.Федорова, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов, Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Стародубцева, Н.Н.Никулина, С.В.Березина, А.А.Гвозденко, Ю.А.Сплетухов, Е.Ф.Дюжиков³,

³ Кристоф Пфайффер. Введение в перестрахование. Учебник. Кельнское перестраховочное общество, представительство в Москве, – М.: Анкил, 2000. – 155 с.; Дэвид Бланд. Страхование: принципы и практика. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 192 с.; Чернова Г.В. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник. – М.: Экономика, 2010. – 751 с.; Артамонов А.П. Практика непропорционального перестрахования. Учебное пособие. – М.: Издательский дом. Страховое ревю, 2000. – 172 с.; Ахвледиани Ю.Т. Страхование. Учебник. – М.: ЮНИТИ, 2010. – 415 с.; Федорова Т.А. Страхование. Учебник. – М.: Магистр, 2009. – 1006 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. Учебник. – СПб.: Питер, 2002. – 256 с.; Райзберг Б.А., Лозовский Б.А., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: Инфра-М, 2006. – 495 с.; Никулина Н.Н., Березина С.В. Страхование. Учебник. – М.: ЮНИТИ, 2008. – 511 с.; Гвозденко А.А. Страхование. Учебник. – М.: Издательство проспект, 2008. – 464 с.; Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 312 с.

мамлакатимиз олим ва мутахассисларидан Ж.Х.Атаниязов, Э.Д.Алимардонов, Х.М.Шеннаев, И.К.Очилов, С.Э.Ширинов, И.Ғ.Кенжаев, И.Х.Абдурахмонов, Қ.М.Қўлдошев, С.А.Умаров⁴ кабилар қайта суғурта соҳаси ва Ўзбекистонда суғурта бозорининг долзарб масалалари ҳамда қисман халқаро суғурта бозорида амалга ошириладиган қайта суғурта операциялари бўйича муайян тадқиқот ишларини олиб боришган. Аксарият ишларда қайта суғурта жараёни муаммоларини тадқиқ этиш суғуртанинг умумий назарияси, унда қайта суғуртанинг ўрнини белгилаш жиҳатдан ўтказилган. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш борасида хорижий олимлардан В.Ф.Наркаев, Л.А.Орланюк-Малицкая, А.В.Грачев, М.Н.Крейнина, А.К.Шихов, Н.В.Кириллова, Я.Е.Телепин, В.В.Шахов⁵ ва бошқаларнинг меҳнатлари муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот мавзуси бўйича чоп этилган илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қайта суғурта орқали ҳимоялаш таҳлилига етарлича ўрин ажратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ОТ-Ф1-54. «Ўзбекистонда суғурта фаолиятини модернизация қилишнинг самарали йўналишларини шакллантиришнинг фундаментал асослари» мавзусидаги давлат гранти ҳамда Тошкент молия институтининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатда қайта суғурта амалиётидан фойдаланиш орқали суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги» тушунчасига концептуал ёндашувни тизимлаштириш, мавжуд талқинларни таҳлил қилиш ва моҳиятини ёритиш;

⁴ Атаниязов Ж.Х., Алимардонов Э.Д. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2014. – 432 б.; Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия, 2013. – 264 б.; Шеннаев Х.М., Ширинов С.Э. Қайта суғурта. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия, 2009. – 87 б.; Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозори. – Т.: Иқтисод-молия, 2011. – 124 б.; Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Ширинов С.Э., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 248 б.; Абдурахмонов И.Х. Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-Молия, 2018. – 415 б.; Умаров С.А. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Иқт.ф.д.дисс. – Т.: 2012. – 384 б.

⁵ Наркаев В.Ф. Перестрахование как инструмент обеспечения финансовой устойчивости страховых организаций. Автореф. дисс...канд. эконом. наук. – М.: 2011. – 27 с.; Орланюк-Малицкая Л.А. О понятиях и факторах финансовой устойчивости страховых компаний // Вестник Финансовой академии. – М., 1998. №1. с.33-38; Грачев А.В. Основы финансовой устойчивости предприятия // Финансовый менеджмент. – М., 2003. № 4; Крейнина М.Н. Финансовая устойчивость предприятия: оценка и принятие решений // Финансовый менеджмент. – М., 2001. № 2; Шихов А.К. Страхование. Учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2001.– 431 с.; Кириллова Н.В. Финансовая устойчивость страховой компании // Финансовая газета «Экспо-Страхование». – М., 2000. № 12. с. 34; Телепин Я.Е. Банкротство страховых компаний в условиях рыночной экономики. Дис.... канд. эконом. наук. – М.: 2003. – 165 с.; Шахов В.В. Страхование. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 2003. – 311 с.

қайта суғуртанинг назарий жиҳатларини ёритиш, унинг турлари, шаклларини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон суғурта фаолиятида қўллаш бўйича самарали йўналишларни аниқлаш;

суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғурта механизмидан фойдаланишнинг зарурлигини ёритиш;

Ўзбекистонда суғурта ва қайта суғурта хизматлари бозорининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш, суғурта ва қайта суғурта мукофотлари динамикасига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

қайта суғурта механизмини қўллашнинг суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигига таъсирини Т- тест тизими ёрдамида таҳлил этиш;

қайта суғурта амалиётидан фойдаланиш, шунингдек қайта суғурта операцияларини бажариш борасидаги мавжуд камчилик ва муаммоларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида қайта суғурта амалиётини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини таъминлаш ва молиявий барқарорликка эришиш мақсадида қайта суғуртадан фойдаланиши билан боғлиқ фаолияти белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб қайта суғурта механизми орқали суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида гуруҳлаш, қиёслаш, мантиқий ва таркибий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда маҳаллий ва хорижий қайта суғурталовчилар билан облигаторли қайта суғурта битимини тузиш таклиф этилган;

суғурта компанияларида қайта суғурта механизмидан фойдаланишни ташкил этиш ва самарадорлигини аниқлашда жами ва муддатли ликвидлик коэффициенти, ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик ва тўловга лаёқатлилик коэффицентининг нисбий кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган;

қайта суғурта фаолиятини ривожлантиришда миллий суғурта компанияларининг халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилишини таъминлаш таклиф этилган;

қайта суғурта слипларини тузишда қайта суғурталовчининг соф фойдасидан қайта суғурталанувчига танъем тўловлари тўланиши тартибини жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот якунлари бўйича ишлаб чиқилган амалий натижалар қуйидагилардан иборат:

қайта суғуртадан фойдаланишнинг суғурта компаниялари тўлов қобилиятига таъсири таҳлил этилган ва бу орқали молиявий барқарорликка эришилиши асосланган;

мамлакат қайта суғурта бозорини ривожлантириш мақсадида хорижий мамлакатлар қайта суғурта бозори тажрибасини қўллаш орқали самара берадиган жиҳатлар ажратиб кўрсатилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон маҳаллий суғурталовчилари ўртасида қайта суғурта пул (Pool⁶)ини ташкил этишнинг афзалликлари ўрганилган, уни амалиётга жорий этиш орқали миллий қайта суғурта бозорининг салоҳияти ошиши, натижада суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга эришилиб, халқаро суғурта бозоридан қайта суғурта хизматларини импорт қилиш ҳажми камида 20-25 фоизга камайиши асосланган;

Ўзбекистон суғурта бозорини жадал ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқиб, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларини фаоллаштириш ва у орқали қайта суғурта механизмидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида такомиллаштирилган «Суғурта алгоритми» тизимини қўллаш таклиф этилган;

мамлакат суғурта бозорида қайта суғурталовчиларнинг фаоллигини ошириш мақсадида капиталлашув даражасини кўтаришнинг мақбул ечимлари аниқлаштирилган;

суғурта компаниялари фаолиятида қайта суғуртадан фойдаланиш борасидаги муаммолар ўрганилиб, унинг ечимлари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, суғурта фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, суғурта ташкилотларининг расмий эълон қилинган маълумотлари ва молиявий ҳисоботлари, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмалари, интернет тармоғида тақдим этилган расмий маълумотлардан фойдаланилганлиги ҳамда таклифларнинг тегишли суғурта компаниялари томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг ролини оширишга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги ва суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича услубий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг суғурта компаниялари фаолиятига татбиқ этилиши уларда амалга оширилаётган бизнес жараёнлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг ролини ошириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

суғурта компаниясининг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таъминлашда маҳаллий ҳамда хорижий қайта суғурталовчи компаниялар билан

⁶ Изоҳ: «Pool» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, бирлашиш, уюшиш, қўшилиш маъноларини англатади.

облигаторли қайта суғурта битимини тузиш бўйича берилган таклиф «KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компанияси амалиётида фойдаланилган («KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг 2019 йил 30 июлдаги 01/0311-сон маълумотномаси). Натижада суғурта компанияси маҳаллий компаниялар билан облигатор қайта суғурта шартномаси тузиш ҳисобига шартнома доирасида рўй берган суғурта ҳодисаси оқибатида компания 773,0 млн. сўм суғурта қопламаси тўлашдан озод этилган;

суғурта компанияларида қайта суғурта механизмидан фойдаланишни ташкил этиш ва самарадорлигини аниқлашнинг нисбий кўрсаткичлар тизими бўйича берилган таклиф «KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компанияси томонидан мажбуриятларни қисман қайта суғуртага ўтказишда қўлланилган («KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг 2019 йил 30 июлдаги 01/0311-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш натижасида компанияда қайта суғуртадан фойдаланиш ҳажми 2019 йил ярим йиллиги бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18 фоизга ортган ва 839,0 млн. сўм миқдоридаги маблағлар тежалишига эришилган;

қайта суғурта фаолиятини ривожлантиришда суғурта компанияларининг халқаро рейтинг натижаларини қўлга киритиши бўйича берилган таклиф «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» томонидан амалиётда фойдаланилган («KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ нинг 2019 йил 22 июлдаги 01-01/2571-сон маълумотномаси). Натижада қирувчи қайта суғурта бўйича 1432 та шартнома тузилиб, улар бўйича 17,2 млрд. сўм миқдорида суғурта мукофоти келиб тушган. Шундан 50 фоизи хорижий мамлакатлардан қирувчи қайта суғурта мукофотларига тўғри келган;

қайта суғурта слипларини тузишда қайта суғурталовчининг соф фойдасидан қайта суғурталанувчига тантёем тўловлари тўланиши тартибини киритиш бўйича берилган таклиф «KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компанияси томонидан амалиётга жорий қилинган («KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг 2019 йил 30 июлдаги 01/0311-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида суғурта ҳодисаси рўй бермаган шартномаларда қайта суғурта мукофотининг маълум қисмини (фоизда) қайта суғурталанувчи компанияга қайтариб бериш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Қайта суғуртанинг назарий асослари ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида унинг суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсири»** деб номланиб, унда қайта суғуртанинг назарий жиҳатлари иқтисодчи олимлар талқинида қай тарзда ёритилгани ўрганилган, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари борасидаги илмий-назарий қарашлар таҳлил қилинган ҳамда қайта суғуртанинг ривожланиши тадқиқ этилган.

Қайта суғурта ҳар қандай суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил сифатида эътироф этилади. Мазкур амалиёт компанияларга жуда катта ва олдиндан кўриб бўлмайдиган рискларни қабул қилиш имконини беради. Қайта суғуртанинг мақсади суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини ва суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминловчи мувозанатли суғурта портфелини яратишдир. Демак, қайта суғурта нафақат суғурталовчиларни, балки суғурталанган йирик объектларни ҳам молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилади, шу билан бирга давлатга суғурта фаолиятини амалга оширганлик бўйича солиқларнинг келиб тушишини кафолатлайди. Қайта суғуртанинг асосий функцияси бўлиб рискни трансформациялаш ҳисобланади ва натижада суғурта мажбуриятларини ички ва ташқи бозорларда бир неча компаниялар ўртасида тақсимлашга эришилади.

XIX асрнинг ўрталарида Европа давлатларида саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши катта миқдордаги суғурта рискларининг қайта суғурталашга бўлган талабини янада кучайтирди. Суғурталовчининг хизматлар кўламини кенгайтириш, янги суғурта рискларини суғурта қопламаси билан таъминлашни фақат қайта суғурталаш орқалигина амалга ошириш мумкин бўлди⁷.

Қайта суғурта натижасида суғурталовчининг суғурталаш имкониятлари кенгаяди, суғурта ҳодисасининг юзага келиш эҳтимоллиги катталиги сабабли суғурталаш мумкин бўлмаган объектларни ҳам банкротликдан кўрқмасдан қабул қилишга замин яратилади. Қайта суғурта суғурталовчига мавжуд рисклар таъсирини минималлаштириш имконини беради ва меъёрий талабларнинг бажарилиши устидан назорат қилади. Суғурталовчи ўз ихтиёри билан суғурта шартномаси бўйича ўзида қолдириладиган улушни аниқлайди. Қайта суғурта муносабатларида суғурталанувчи ва қайта суғурталовчи ўртасида ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлмайди, унда суғурталовчи ва бир неча қайта суғурталовчилар иштирок этади (1- расм).

⁷ Шеннаев Х.М., Ширинов С.Э. Қайта суғурта. – Т.: Иқтисод-молия, 2009. 11-б.



1-расм. Қайта суғуртани амалга ошириш жараёни⁸

Мижоз суғурта компанияси билан суғурта шартномасини тузишда имзоланган қайта суғурта шартномаси тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Қайта суғурта бўйича тузилган шартномага қарамай, суғурталовчи компания эҳтимол тутилаётган зарарни тўла ҳажмда қоплаш учун суғурталанувчи олдида жавобгар бўлиб қолади, қайта суғурталовчи учун у бевосита суғурталовчи ҳисобланади.

Суғурта тизими ривожланган давлатларнинг суғурта бозорида қайта суғуртадан фойдаланилганлик даражаси юқори, буни жами суғурта мукофотлари ҳажмида қайта суғурта мукофотларининг 40-45 фоиз улушга эгаллиги билан изоҳлаш мумкин⁹ ва аксарият давлатларда суғурталовчилар ўзини молиявий ҳимоялаш мақсадида қайта суғуртанинг облигаторли шаклини қўллашни маъқул кўради. Шу ўринда «облигаторли қайта суғурта қилиш» тушунчасига изоҳ беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Облигаторли қайта суғурта — қайта суғуртанинг мажбурий шакли бўлиб, унда цедент компания қайта суғурталовчи билан тузган қайта суғурта қилиш шартномаси шартларига кўра, ушбу шартнома доирасига кирувчи асосий суғурта шартномалари бўйича рискларни қайта суғурталовчига беришга, қайта суғурталовчи эса ушбу рискларни қабул қилишга мажбурдир.

Облигаторли қайта суғурта битими маҳаллий қайта суғурта билан қўшимча равишда шуғулланувчи компаниялар билан ҳам тузилиши мумкин. Бунда маълум бир суғурта турлари танланади, масалан, қурилиш-монтаж рисклари суғуртаси, мол-мулк суғуртаси, юк суғуртаси. Мазкур суғурта турлари бўйича тузилган барча шартномалар бўйича компания мажбуриятларининг маълум қисми қайта суғурталовчига автоматик тарзда ўтказилади. Бу ҳолатда суғурта компанияси олдида муҳим вазифа пайдо бўлади, яъни ўз зиммасида қолдирадиган улуш миқдорини белгилаш лозим. Бундай вазифани эҳтиёткорлик билан ҳал этиш талаб этилади, чунки тўлов қобилияти меъёрларига амал қилиниши ва молиявий барқарорликка путур етмаслиги лозим.

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁹ Манба: Aon's Analytics Division in Reinsurance Solutions маълумотлари

Суғурта компанияси облигаторли битимда қайта суғуртанинг ҳар иккала турини, яъни нисбий ва нонисбий қайта суғурта турларини қўллаши мумкин. Нисбий қайта суғурта қўлланилганда мажбуриятлар тўғридан-тўғри суғурталовчи билан қайта суғурталовчи ўртасида маълум фоизларда тақсимланади, суғурта мукофотлари ва суғурта қопламаларини тўлашда ҳам худди шу нисбатга амал қилинади. Нонисбий облигаторли қайта суғуртада эса суғурталовчи ўзининг маълум чегарасини ўрнатади ва қабул қилинган мажбуриятларнинг шу чегарадан ошган қисми қайта суғурталовчига ўтказилади (1 ва 2-жадваллар).

1-жадвал¹⁰

600000000 сўмдан 4000000000 сўмгача бўлган шартномалар					
Курилиш-монтаж рисклари суғуртаси		Юк суғуртаси		Мол-мулк суғуртаси	
Сумма	Мукофот	Сумма	Мукофот	Сумма	Мукофот

Бундай облигатор битими тузилганда 600 млн. сўмдан юқори баҳоланган суғурта мажбуриятлари қайта суғурталовчи компанияга ўтказилади ва у шу миқдордан ошган зарар суммасини қоплаб беради.

2-жадвал¹¹

4000000000 сўмдан 20000000000 сўмгача бўлган шартномалар					
Курилиш-монтаж рисклари суғуртаси		Юк суғуртаси		Мол-мулк суғуртаси	
Сумма	Мукофот	Сумма	Мукофот	Сумма	Мукофот

Мазкур шартнома бўйича эса йирик қийматга эга бўлган объектлар суғурталанади ва компаниянинг ўзида қолдирадиган улуши 4 млрд. сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, облигаторли қайта суғурта битимини тузишнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

рискни қайта суғуртага ўтказиш билан боғлиқ харажатлар камаяди;

шартномада бир вақтнинг ўзида бир неча қайта суғурталовчилар қатнашиши мумкин;

ўзида қолдирадиган улушни мустақил белгилайди;

суғурта компаниясини банкротликдан ҳимоя қилади.

Суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий, шунингдек хорижий қайта суғурталовчи компаниялар билан облигаторли қайта суғурта битимини тузиши мақсадга мувофиқ. Мазкур тадбирнинг амалиётга жорий этилиши натижасида компания зарарлари (мажбуриятлари)нинг икки томон ўртасида тақсимланиши орқали молиявий барқарорликни сақлаб қолишга, шунингдек қайта суғурта хизматларини импорт қилиш ҳажмини камайтиришга эришилади. Маҳаллий компаниялар билан бундай битимнинг тузилиши қайта суғурта мукофотларининг ички бозорда сақланиб қолиши ва тақсимланишини таъминласа, хорижий компаниялар билан

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳамкорлик уларнинг суғурта мажбуриятларини жалб қилиш орқали кирувчи қайта суғурта оқимини вужудга келтиради.

М.И.Брагинскийнинг эътироф этишича, қайта суғурталаш орқали суғурталовчи зиммасидаги мажбуриятни ўзи ва қайта суғурталовчи ўртасида қайта тақсимлаш имкониятига эга бўлади¹². Шу нуқтаи назардан, қайта суғурта суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган рискларни қайта тақсимлаш усули сифатида тушунилади. Суғурталовчи молиявий барқарорлигининг асоси (шакллантирилган устав капитали, суғурта захиралари ва қайта суғурта тизими) унинг молиявий имкониятларини ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини унинг мажбуриятлар бўйича потенциал салоҳияти сифатида белгилаш мумкин. Молиявий барқарорликни таъминлаш масаласи суғурталовчидан қуйидаги шартларга риоя этишни талаб қилади:

суғурта операциялари ҳажмининг ошиши билан ортиб борадиган мажбуриятлардан ортиқ бўш маблағларнинг мавжудлиги;

ўз молиявий имкониятларидан ортиқ мажбуриятларни қабул қилмаслик;

суғурта суммаси, суғурта рисклари, объектлар ва ҳудуд бўйича мувозанатлашган суғурта портфелини шакллантириш;

суғурта қопламаларининг суғурта мукофотларидан ортиб кетишига йўл қўймаслик.

Қайта суғуртанинг молиявий барқарорликка таъсири механизми қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Суғурталовчининг суғурта операцияларидан зарар кўриш рискин камайтириш. Бундай йўқотишлар маълум бир молиявий йил учун суғурта қопламалари ҳажмининг суғурта мукофоти миқдоридан ошиб кетиши туфайли юзага келади. Бу ҳолатга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

а) суғурталовчида йирик ва мувозанатлашган суғурта портфелининг мавжуд эмаслиги;

б) жорий йилда суғурта ҳодисалари сонининг кутилмаган даражада ўсиши;

в) аввалги йиллардаги ўртача қиймат билан таққослаганда битта суғурта ҳодисасига тўғри келадиган суғурта қопламаси миқдорининг ошиши;

г) битта суғурта ҳодисасининг фожеали оқибатлари туфайли бир вақтнинг ўзида бир неча шартномалар бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш заруратининг пайдо бўлиши.

2. Суғурталовчида суғурта шартномаларини катта миқдордаги суғурта суммасига тузиш имкониятларининг ошиши. Суғурталовчилар ўз молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда тўлов қобилиятини сақлаш мақсадида ўз маблағларининг маълум фоизидан ортиқ суммага шартнома тузишга ҳақли эмас. Агар суғурталовчининг тўлов қобилияти суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига тўлиқ ҳажмда олишга имкон бермаса, унинг бир қисмини қайта суғуртага ўтказиши мумкин. Бу, айниқса суғурта бозоридаги

¹² Брагинский М.И. Договорное право. Договоры о выполнении работ и оказании услуг. // Монография. – М.: Статут, 2002

рақобат шароитида жуда муҳим, чунки суғурталовчининг имкониятлари унинг фаолияти натижаларига ҳар томонлама боғлиқдир.

3. Суғурталовчиларга ўз маблағлари ҳажми ва суғурта операциялари ҳажми ўртасидаги нисбатни тартибга солиш имконини беради. Молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳар бир суғурталовчи суғурта шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг белгиланган фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз капиталига эга бўлиши керак. Агар суғурталовчи капиталининг ҳажми белгиланган талабларга жавоб бермаса, у капиталини ошириш ёки суғурта операцияларининг ҳажмини камайтиришга мажбурдир. Капитал миқдорини тез фурсатларда оширишнинг имкони камроқ, демак янги шартномалар тузишдан воз кечиш ёки амалдагиларини бекор қилиш миқдорлар ишончсизлиги ва уларнинг компаниядан узоқлашишига олиб келади. Бундай вазиятда суғурталовчи мажбуриятининг бир қисмини қайта суғуртага ўтказиш жами мажбуриятлар ҳажмининг қисқаришига олиб келади, натижада суғурта шартномаларини тузишдан воз кечмай туриб белгиланган нисбатни бажариш имконини беради.

4. Суғурталовчиларга янги суғурта турлари бўйича операцияларни янада самарали амалга ошириш имконини беради. Компания фаолиятида етарли иш стажининг ва тариф ставкаларини ҳисоблашда статистик базанинг етишмаслиги жиддий хавфни юзага келтиради. Мажбуриятларнинг маълум қисмини ўз зиммасига олиш орқали қайта суғурталовчилар унинг юз бериши мумкин бўлган йўқотишларини камайтиради, бу эса янги суғурта турларини кенг миқёсда амалга ошириш имконини беради ва натижада суғурта операцияларини ривожлантиришга эришилади. Қайта суғурталовчилар шартномадаги шериклари, яъни тўғридан-тўғри суғурталовчиларнинг муваффақиятли фаолият юритишидан манфаатдор ҳисобланади, чунки уларнинг фаолият натижалари айнан суғурталовчиларга боғлиқ бўлади.

Қайта суғурта механизмини қўллашни аксарият суғурта компаниялари ортиқча харажат сифатида баҳолайдилар, яъни суғурта мукофотларини иккинчи томон билан бўлиши ҳамда рискни трансформациялашдаги харажатлар. Қайта суғуртадан фойдаланиш борасидаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга қарамай, суғурталовчилар бундай механизмни қўллашни афзал билмайди. Олиб борилган тадқиқотлар асосида суғурта компанияларида қайта суғуртадан фойдаланишни ташкил этиш ва самарадорлигини аниқлашнинг нисбий кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва у ҳукумат томонидан белгиланган меъёрларга қўшимча равишда қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади (3-жадвал).

Бу кўрсаткичлар тизими суғурта компанияларида қайта суғурта механизмини қўллашнинг афзал ёки самарасиз томонларини аниқлаш имконини беради. Жадвалда келтирилган барча ҳолларда қайта суғурта механизмини қўллаш самарали бўлиб, суғурта компаниясининг тўловга лаёқатлилиги ортиши ва молиявий барқарорликка эришилиши таъминланади.

**Суғурта компанияларида қайта суғуртадан фойдаланишни ташкил этиш
ва самарадорлигини аниқлашнинг нисбий кўрсаткичлар тизими¹³**

№	Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Белгилар изохи	Ҳолати	Талқини
1.	Жами ликвидлик коэффициенти	$\frac{A_m}{M_{qm}}$	Бунда: <i>Ам</i> – суғурталовчининг айланма маблағлари; <i>М_{қм}</i> – суғурталовчининг қисқа муддатли мажбуриятлари	< 1	Суғурта компаниясининг жорий йилдаги қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш учун айланма маблағлар билан таъминланганлик даражасини тавсифлайди ва у 1 дан кам бўлса, тўлов қобилиятининг паст даражасини ифодалайди.
2.	Муддатли ликвидлик коэффициенти	$\frac{A_{юл}}{M_m}$	Бунда: <i>Аюл</i> – суғурталовчининг юқори ликвидли активлари; <i>М_м</i> – суғурталовчининг муддатли мажбуриятлари	< 1	Суғурта компаниясининг ўз мажбуриятларини бажариши учун юқори ликвидли активлар билан таъминланганлигини белгилайди ва унинг 1 дан кам бўлиши тўлов қобилиятининг паст даражадалиги ва банкротлик хавфи борлигини англатади.
3.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	K_m	Бунда: <i>К_м</i> – суғурталовчининг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	< 0.5	Компаниянинг молиявий ҳолати ва кредиторларнинг талабини қондириш лаёқатини англатади ва у 0,5 дан кам бўлганда тўлов қобилиятини йўқотиш ва банкротлик эҳтимоли вужудга келади.
4.	Қайта суғурта тарифининг суғурта тарифига нисбати	$\frac{KCT}{CT}$	Бунда: <i>КСТ</i> – қайта суғурта тариф ставкаси; <i>СТ</i> – тўғридан-тўғри суғурта тариф ставкаси	< 1	Қайта суғуртадан фойдаланишнинг самарадорлигини ва тўлов қобилияти таъминланишини назарда тутди.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда фаолият юритувчи суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига қайта суғуртанинг таъсири таҳлили» деб номланган иккинчи бобида қайта суғуртани баҳолаш усуллари баён этилган бўлиб, унинг компанияларда қайта суғурта механизмидан фойдаланишга таъсири таҳлили келтирилган. Шунингдек, қайта суғуртанинг асосини тўғридан-тўғри суғурта ташкил этганлиги инобатга олиниб, Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиш тенденциялари ўрганилган ҳамда миллий суғурта компаниялари фаолиятида қайта суғурта механизмидан фойдаланишнинг жорий ҳолати таҳлил этилган.

Суғурта назорати органининг талабларига мувофиқ, суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминловчи омиллар бўлиб ўз капиталининг етарлилиги, суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун зарур даражада шакллантирилган суғурта захиралари, иқтисодий асосланган суғурта тарифлари ва қайта суғурта тизими саналади.

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда фаолият юритадиган суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлик ҳолати ўрнатилган меъёрий талаблар асосида қатъий назорат қилинади. Мажбуриятларнинг ўзида қолдириладиган улушини мақбул даражада белгилаш қайта суғурталовчи ва цедентнинг молиявий барқарорлиги ошишига хизмат қилади, шунингдек фаолиятнинг энг муҳим натижалари: рентабеллик, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти ва бошқалар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, «суғурталовчининг алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори суғурта захиралари ва ўз маблағлари манбалари суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги шарт»¹⁴.

Ўзбекистон суғурта бозорининг қайта суғурталаш соҳаси ҳақида айтиш жоизки, бугунги кунда мазкур соҳани профессионал даражада юритадиган қайта суғурталовчи компания ҳамон ташкил этилмаган. Бироқ, давлат раҳбарининг Фармони¹⁵ билан мазкур соҳани ташкил этиш бўйича устав капитали меъёрларига амал қилиниш юзасидан аниқ талаблар белгиланган ва уни бажарган суғурта компанияларига қайта суғурта операцияларини белгиланган тартибда амалга ошириши мумкинлиги таъкидланган. Бугунги кунда камида 30 млрд. сўм миқдоридаги устав капиталини шакллантирган компанияларга қайта суғурталаш билан қўшимча равишда шуғулланишга рухсат этилган. Ўзбекистон қайта суғурта бозорида қуйидаги суғурталовчилар фаолият юритади: «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ, «Ўзагросуғурта» АЖ, «Ўзбекинвест» ЭИМСК, «Gross Insurance» МЧЖ, «Инго-Ўзбекистан» АЖ ва «Темир йўл-суғурта» МЧЖ. Мазкур суғурталовчиларнинг асосий мақсади – маҳаллий ва хорижий суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда тўлов қобилиятини бажаришига кўмаклашиш ҳисобланади. Қуйида уларнинг биргаликдаги қайта суғурта фаолияти таҳлил этилади (4-жадвал).

Маълумотлардан кўринадикки, Ўзбекистон суғурта бозорида сўнгги йилларда сезиларли ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Ўтган йилларга нисбатан кузатилган ўсиш суръатлари ўртача 125 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич ўтган 2017 йилдан 175 фоизга, қайта суғурта мукофотлари ҳам мос ҳолда йиллар кесимида ўсган. Жадвалда жалб қилинган қайта суғурта мукофотларининг жами суғурта мукофотлардаги улуши камайиб бориши тасвирланган, бунга компанияларнинг капиталлашув даражаси ошиб боргани сари қайта суғуртадан фойдаланишга эҳтиёжи камайиши ва ўз тушумларини қайта суғурталовчи билан бўлишишни истамаслиги каби омиллар сабаб бўлиши мумкин.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида»ги Низом

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони. 2017 йил 2 сентябр

Ўзбекистон суғурта ва қайта суғурта бозори кўрсаткичлари¹⁶

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Жами суғурта мукофотлари (млрд. сўм)	212,1	285,9	326,3	439,1	551,5	692,6	927,5	1635,2
Жами қайта суғурта мукофотлари (млрд. сўм)	55,8	58,2	61,6	60	71,9	99,8	137	168
Қайта суғурта мукофотларининг жами суғурта мукофотларидаги улуши (фоизда)	26,3 %	20,4 %	18,9 %	13,7 %	13,0 %	14,4 %	14,8 %	10,3 %

Бугунги кунда мамлакатда фаолият юритаётган суғурта компаниялари катта объектларни тўлиқ суғуртавий ҳимоялаш имкониятига эга эмас, суғурта мажбуриятининг катталиги ва капиталлашув даражасининг пастлиги туфайли маҳаллий суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти уларнинг талабига мос келмайди. Бундай объектлар сифатида Навоий кон-металлургия заводи, «Ўзтрансгаз» АК, «Лукойл оверсиз саплай энд трединг», Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ каби йирик саноат корхоналарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Уларни суғуртавий ҳимоялашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатда қайта суғуртага ихтисослашган давлат ташкилотини ташкил этиш зарурати пайдо бўлади ва у орқали маҳаллий суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга эришилади.

Ўзбекистон географик жойлашувига кўра сейсмик ҳудуд бўлишига қарамай, талафотли рискларнинг жуда кам содир бўлиши туфайли мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий тизимига катта хавф солмайди. Шунга қарамай эҳтимолий суғурта объектларининг тўлиқ суғуртавий ҳимоя билан таъминланиши муҳим ҳисобланади. Суғурта компаниялари ўзининг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини сақлаш мақсадида ўз молиявий имкониятларидан ортиқ мажбуриятни қабул қила олмайди, демак у қайта суғурта механизмидан фойдаланишига тўғри келади. Бугунги кунда йирик қийматга эга объектларнинг катта қисми хорижий суғурта бозорларида иккиламчи жойлаштирилмоқда.

2019 йил 3 май куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 19-ялпи мажлисида жуда катта миқдордаги маблағларнинг мамлакат ташқарисига чиқиб кетаётгани танқид остига олинди ва сўнгги икки йилда суғурталовчилар томонидан қарийб 33 млн. АҚШ доллари миқдоридаги

¹⁶ <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

маблағ хорижий суғурталовчиларга тўлангани, шундан 9,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги капитал биргина «Alfa-Invest» МЧЖ суғурта компаниясига тўғри келганлиги, шунингдек хорижий компаниялардан ҳеч қандай суғурта тўловлари олинмагани айтиб ўтилди¹⁷. Катта миқдордаги капиталнинг бу тарзда мамлакат ташқарисига чиқиб кетишининг асосий сабаби суғурталовчилар тўлов қобилияти даражасининг пастлигидир. Тўлов қобилиятини сақлашнинг энг мақбул усули қайта суғурта механизмидан фойдаланиш ҳисобланади. Қуйида мамлакат суғурта бозоридан қайта суғурта орқали халқаро бозорга берилган суғурта мукофотлари ҳажми динамикаси таҳлил этилади (2-расм).



2-расм. Халқаро бозорга берилган қайта суғурта мукофотлари ҳажми динамикаси (млрд.сўм)¹⁸

Расм маълумотларига кўра, 2017 ва 2018 йилларда халқаро бозорга чиқувчи қайта суғурта ҳажми 50 фоизга ўсиши кузатилган бўлиб, биргина 2018 йил бўйича 170 млрд. сўмни ташкил этган. Чиқувчи қайта суғурта ҳажми ортишининг сабабларидан бири, сўнгги йилларда ҳукуматимиз лизинг шартларида ҳаво кемаларини харид қилди ва лизинг шартларига кўра, улар халқаро рейтингга эга хориж қайта суғурталовчиларида суғурталаниши белгиланган. Бугунги кунда Ўзбекистондан чиқувчи қайта суғурта шартномалари асосан «AON» (Буюк Британия), «Willis Towers Watson» (Буюк Британия) брокерлари орқали тузилади. Бундай катта қийматга эга объектларнинг кўплиги сабаб чиқувчи қайта суғуртанинг ҳажми ошган.

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар мамлакатдан чиқиб кетаётган маблағларни минималлаштириш (қайта суғуртага беришни инкор этиб бўлмайди, чунки у талафотли ёки кумулятив рисклар содир бўлганда тўлов қобилиятини сақлашнинг мақбул йўли саналади) чораларини амалга оширишни

¹⁷ Манба: Халқ сўзи. Online. Сенат раиси Нигматилла Юлдашевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 19-ялпи мажлисидаги нутқи. 2019 йил 3 май.

¹⁸ Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи суғурталовчиларнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

тақозо этади, бунинг биринчи галдаги йўналиши бўлиб суғурта компанияларининг капиталлашув даражасини ошириш ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакат суғурта бозорида нафақат чиқувчи, балки кирувчи қайта суғурта амалиёти ҳам ўтказилади. Халқаро суғурта бозоридан Ўзбекистонга суғурта мажбуриятларининг қабул қилиниши унинг халқаро рейтинг талабларини бажарганлиги ва тан олинганлигидан гувоҳлик беради. 2013-2016 йилларда хориждан мамлакат қайта суғурта бозорига деярли қайта суғурта тушумлари амалга оширилмаган. 2018 йилнинг 1 июлидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5177-сонли Фармонида биноан устав капитали миқдорларига янги талаб белгиланди, компаниялар ўз фаолиятини универсаллаштириш ва суғурта портфелини турли йўналишдаги суғурта хизматлари билан шакллантириш мақсадида ўз капиталларини ошириш чора-тадбирларини қўладилар. Натижада 2018 йилда мамлакат қайта суғурта бозорига хориждан 9,554,0 млн. сўм миқдоридаги қайта суғурта мукофотларининг келиб тушиши таъминланди, бу эса халқаро рейтинг натижаларини қўлга киритган компанияларнинг саъй-ҳаракати самарасидир, улар «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ ва «Ўзбекинвест» ЭИМСК бўлиб, кирувчи қайта суғурта бозорининг салмоқли ҳиссасига эга¹⁹.

Диссертация мавзуси суғурта компанияларининг қайта суғурта механизмидан фойдаланиши билан боғлиқ фаолиятига бағишлангани сабабли, тадқиқот объекти этиб «KAPITAL SUG'URTA» АЖ белгиланган. 2019 йилнинг биринчи ярим йиллик маълумотларига кўра, самарали фаолият юритиши, суғурта мукофотлари ва қопламалари ҳажмининг ўсиб бориши бўйича «KAPITAL SUG'URTA» АЖ мамлакат суғурта бозорида 10-ўринни эгаллади. Қуйида унинг қайта суғуртадан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти статистик маълумотлар ифодаланган расмлар орқали таҳлил қилинади (3 ва 4-расмлар).



3-расм. «KAPITAL SUG'URTA» АЖ томонидан қабул қилинган ва қайта суғуртага берилган мажбуриятлар ҳажми²⁰

¹⁹ Манба: <http://www.mf.uz>– Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайти маълумотлари.

²⁰ «KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Расм маълумотларидан кўринадики, компаниянинг сўнгги йилларда қабул қилган мажбуриятлари турли ўзгариш динамикасини намоён этган. 2016 йилда компания 18183,8 млрд. сўмлик мажбурият қабул қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 52 фоизга камайган ва 8877,0 млрд. сўмни ташкил этган. Бундай пасайиш 2016 йилда компаниянинг Ўзбекистон ҳаво йўлларига қарашли ҳаво кемаларини мулкӣ суғурталагани ва 2017 йилда бундай шартноманинг тузилмагани каби суғурта портфелида катта қийматга эга объектларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бундай объектлар ҳар йили суғурта компаниялари ўртасида ўтказиладиган тендер натижаларига кўра суғурталанади. 2018 йилга келиб эса мажбуриятлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 4,2 баравар ошган ҳолда 37550,6 млрд. сўмни ташкил этган. Қайта суғуртага берилган мажбуриятлар 2016-2017 йилларда жами мажбуриятларга мувофиқ ҳолда амалга оширилган. Бироқ 2018 йилда жами мажбуриятлар ҳажми катта бўлишига қарамай қайта суғуртага унинг 10 фоизи берилган, буни компанияда рискларнинг характерини ўрганиш натижаларига кўра уларнинг рўй бериш эҳтимоллиги пастлиги билан изоҳланади. Бундай ҳолатда мажбуриятларнинг катта қисмини ўз ихтиёрида қолдириш меъёрий ҳолат ҳисобланади ва суғурта портфелининг мувозанатлашганлик ҳолатига тўла мос келади.



4-расм. «KAPITAL SUG'URTA» АЖ томонидан йиғилган ва қайта суғуртага берилган суғурта мукофотлари ҳажми²¹

Расмда компания томонидан йиғилган жами суғурта мукофотлари ва қайта суғуртага берилган мукофотлар ҳажми тасвирланган бўлиб, у мажбуриятлар ҳажмига мос равишда ўзгаради. Жумладан, 2016 йилдаги мукофотлар тушумининг 16 фоизи, яъни 4,3 млрд. сўмнинг қайта суғуртага берилиши объект қийматининг ва рисклилиқ даражасининг катталиги билан изоҳланади ва юқорида таъкидланганидек, суғурта портфелини мувозанатлаштириш

²¹ «KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

мақсадида катта миқдорда бўлса ҳам маблағларни компаниядан ташқарига чиқаришга тўғри келади. 2017 йилда жами 24,8 млрд. сўм суғурта мукофотлари йиғилган бўлиб, унинг 3,0 фоизи мажбуриятларга мос равишда тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида қайта суғурталовчи компанияларга ўтказилган. 2018 йилда ҳам худди шундай тенденция кузатилган бўлиб, жами мукофотларнинг 2,3 фоизи қайта суғурта натижасида бошқа компанияларга ўтказилган ва шу орқали компаниянинг молиявий барқарорлиги таъминланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қайта суғуртага бериладиган мукофотлар ҳар доим ҳам мажбуриятлар ҳажмига мос келавермайди. Баъзи шартномаларда мажбуриятларнинг 70 фоизгача қисми қайта суғурталанса, бошқаларида унинг 5 фоизи қайта суғурталаниши мумкин, буларнинг барчаси рискнинг характерига боғлиқ бўлади.

«KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компанияси қайта суғурта механизмидан фойдаланишда суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятига қўйилган талабларга риоя этади, шунингдек суғурта портфелини мувозанатлаштириш борасида муҳим тадбирларни амалга оширади. Бундай тадбирларнинг энг муҳими рискларни мониторинг қилиш ва унинг тўлов қобилиятига таъсирини ўрганишдир. Жаҳон тажрибасида суғурта компаниясининг суғурта портфелини мувозанатлаштиришнинг энг мақбул усули қайта суғурта ҳисобланиши ва у орқали компаниялар молиявий барқарорликка эришиши исботланган.

